

БАЁНИ ХОЛ

«Самарканд» газити сармоясиз, факат ваъда ва умнд илан чикарилиб эди. Умидлар тасаввурдан феълга келмади. Зарар ва окчасизлик сабабли чору ночор беш он давом этиб, 1913 йил 13 сентябр 44 адади-ла вақтинча ётиб эди. Сўнгра Хўканддан 500 сўм иона таклиф килинди. Аммо бу 500 сўм ила «Самарканд» жаридасининг адад-давоми маълумлиги учун ионани қабул қилолмай, ширкат таъсис этилиб, жаридани давом этдирмок учун идора тарафидан миллатга 17 сентябр оий 45-адад «Самарканд» ила мурожаат килиниб, бир ой мухлат қўюлуб эди. Аммо маатаассуф, бу бир ой муддатда (17 ўктабргача) «Самарканд»ни чиқаратургон ширкат пайдо бўлмади.

Дигар тарафдан, «Самарканд» муштарийларининг баъзилари ва бошка туркистонли хамватанларимиз ташвиқномалар ила «Самарканд»ни чиқармокни таклиф қилдилар. Инчунин, Русиядаги матбуоти исломия «Самарканд» таътилини(нг) таассуфлар ила маррат баъд охири ёзиб, яна чиқишини таманнода бўлинди. Алалхусус, Русия мусулмонлари жароидининг аноси ва пири мухтарами ўлан «Таржимон» ва «Вакт» ва бошқалари янадан чиқишига дуочи бўлуб ва «Самарканд» жаридасининг маслакига, мундарижотига хусни занларини изхор этдиларки, «Самарканд» мухаррири масъули барча хамватанларига ва Кафкоз, Крим хам Тотористон матбуоти исломиясига бул бобда ташаккуроти қалбиюсини ожизона тақдим ва миннатдорлигини изхор ва ояндага маънан ва моддатан иона ва хидоят этмокларини таманно этар. Бир важи боло таклиф ва ташвиқлар, ваъда ва дуолар бизга яна қувват ва умид бериб, ишга савк этди. Аввалан, «Самарканд»ни чиқармокга қасд этилди. Аммо охири яна аввали қаби сармоясиз эди. Ва зарарини тахаммулига қувватимиз етмаслиги зохир бўлди. Дигар тарафдан, асаб(ий), яъни сингир хасталиги ва хам кўз қасалига гирифторлигимиз учун хафтада икки ё уч дафъа газитни тахрир хам идораси бизга мумкин эмас эди. Тахрири учун вазифа ила ражо ва талаб қилинган дароятли мухтарам мухаррир жанобларида баёни муаззот этдилар.

Хулоса: акча қахати, риқол қахати бизни мушкул қолда қўйди, Ва охири, хафталик «Ойна» мажалласини чиқариб турмокни таржих қилинди. Газитни идорасига қофий муштарий мавжуд бўлгунча ва ё оқча топулгунча «Ойна» давом этар. «Ойна» зарар этса-да, зарари нафсимизга оид ва муштарийларга асло зарар юкланмайдур.

Мажалла бақосини-да арзон қилинди.

«Ойна»га муктадир мухаррир ва хар тарафдан мухбирлар даъват килинди. Тили аввалгидек туркий ва форсий назм ва наср бўлуб, мундарижоти илмий, адабий, сиёсий, фаний ва тарихий маколалардан, вукуот ва ахбори ҳафтадан, киноя ва муҳофакадан иборат ва тасвирлик бўлур, Тадрижи мукаммалият, нафосат ва интизомига диққат килинур. Баъзан русча маколаларида дарж килинур. Арбоби калам ва хабардан рижа этармизким, бизга калам ва донишлари ила танбехотда, ионатда бўлинсалар, мажалла бизники эмас, миллатникидур. Сўйланатурган сўзлар шахсий эмас, умумийдур, гурурий эмас, динийдур.

Кориларга салом ва эҳтиром.

«Ойна» журнали, 1913 йил, 2-сон, 2—4-бетлар.